ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 32 (310) 2002 йил 7 август, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

ЖАНГАРИЛАРНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Президент В.Путин ўтган шанбада Грузия чегарасини бузиб кирган ва грузин махсус хизмат ходимлари томонидан қўлга олинган етти чечен миллатига мансуб кишини Россия ҳуқуқ ҳимоячиларига топшириш лозимлигини талаб қилди. Бунга Грузия президенти Э.Шеварнадзе «Агар қўлга олинган кишилар ҳақиқатан ҳам террорист бўлиб қидирувда эканликлари уларнинг жиноятлари ҳақида тўла далилий ҳужжатлар билан исботланса ҳамда у ҳолда бу шахслар Россияга топширишлари мумкин» - деб жавоб берган. Энг сўнгги маълумотларга қараганда грузин чегарасини бузиб ўтишга ҳаракат қилган чегара бузувчиларнинг яна бир гуруҳи қўлга олинган.

КУН ТАРТИБИДА КАСПИЙ МУАММОСИ

Боқуга амалий ташриф билан келган Эрон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Муҳсин Аминзода ўз ҳамкасби Вилоят Гулиев ва президент Ҳайдар Алиевлар билан Каспий денгизи масаласини муҳокама қилиш ниятида. Чунки бу масаланинг қандай ҳал қилиниши иккала чегарадош давлатларнинг бундан кейинги муносабатларига бевосита таъсир кўрсатади.

МУЗОКАРАЛАР ТИНЧЛИККА ЭЛТАДИ

Қоҳирада учрашган Исроил ва Миср ташқи ишлар вазирлари Яқин Шарқ можаросини бартараф этишнинг бирдан бир йўли бу музокаралар йўлидир, деган хулосага келишди. Шу билан бирга Исроил ташқи ишлар вазири Фаластин раҳбарияти муаммони ечиш учун етарли чоралар кўрмаётганлигини айтган бўлса, унинг миср ҳамкасби Исроил давлатини тинч аҳоли яшайдиган жойларга танклар киритаётганлигини таъкидлади.

БИР ФИЛЬМГА ТЎҚҚИЗТА МУКОФОТ

Қозоғистонлик таниқли кинорежиссёр С.Абреимовнинг «Уч ака-ука» фильми яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган кўрикнинг энг олий мукофотига сазовор бўлди. Бу билан ушбу фильм тўққизинчи марта ана шундай шарафга лойиқ топилган. Яратилишига катта миқдорда маблағ сарфланган бу картина дунёнинг кўпгина мамлакатларида намойиш қилинмоқда.

МУСТАҚИЛ ЮРТ ВА УНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚДИР!

Чаккангга гул таққанинг,
Оламга хуш боққанинг,
Ярашибди қизгина
Эрка бўлиб юргин-а.

Дугоналаринг чорла,
Ёруғ юлдуздек порла,
Юртнинг эркатойи сен,
Қуёшию ойи сен!

Таажжуб

«МАНАША»СИЗ ОҚСОҚОЛ... у нималарни ютқазаяпти?

«Mahalla» газетасини ҳар бир оқсоқолнинг энг яқин маслаҳатчиси, десак ҳеч бир муболаға қилмаган бўламиз. Буни айниқса, оқсоқолларимизнинг ўзлари яхши билишади. Шунинг учун бу нашр билан мунтазам танишиб турмаган оқсоқолнинг фаолиятини тўлақонли деб бўлмайди.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида ҳам деярли ҳар бир маҳалла идорасида газета тахламини кўриш мумкин. Бу ўринда «деярли» сўзини ишлатаётганимизнинг сабаби... тумандаги Олтинобод қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам, унинг таркибидаги маҳаллаларда ҳам газетанинг бирор сонини учратиш амри маҳол. Сабаби оддий - бу қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам, унинг таркибига кирувчи маҳаллаларда ҳам «Mahalla» газетасига обуна бўлинмаган.

Аввало, бирон маҳалла ҳудудига киришингиз биланоқ у ердаги ободонлаштириш, ташкилотчилик ишларига бир қадар баҳо бериш мумкин бўлади. Олтинобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудининг кўриниши эса...

Тўғри, «Mahalla» газетаси бу қишлоқ фуқаролари йиғини ва унинг таркибидаги маҳаллаларнинг обуна бўлмаганлиги билан катта йўқотиш қилмайди. Аммо улар... Хуллас, ушбу йилги газета тахламларига бир эътибор берайлик. Майли турли мавзудаги мақолалар бу оқсоқолларни қизиқтирмади ҳам дейлик. Лекин уларнинг иш фаолиятига оид қанчадан қанча йўриқнома, низом ва дастурлар эълон қилинди. Демак бу маҳаллалар бундан ҳам бебаҳра. Оқибати эса бу ҳудуднинг аҳволидан маълум.

Ҳабибулло ҲОШИМОВ,
Навоий вилояти.

Жамиятни бошқаришнинг демократик усули - жойларда ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти кун сайин мукаммалашиб, доираси кенгайиб бормоқда.

Муносабат: «Маҳалла ходими ким?»

2002 йил 10 июль

ҚАНДАЙ МУРАББИЙ КЕРАК?

Республикамиз аҳолисининг қарийб ярмидан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллаларда педагог-тарбиячи лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарори ёшлар тарбиясига берилаётган катта эътиборнинг яна бир карра исботи бўлди.

Газетанинг 2002 йил 10 июль сонида босилган «Маҳалла ходими ким?» номли мақолада ушбу қарорнинг амалдаги ижроси, маҳаллада ишловчи педагог-тарбиячи қандай инсон бўлиши кераклиги юзасидан бир қатор мулоҳазалар билдирилганди. Мен ҳам шу ўринда кўп йиллик педагоглик тажрибамга асосланиб, ҳамда маҳалла тизими фаолиятига бефарқ бўлмаганлигим туфайли айрим фикрларимни билдирмоқчи эдим. Менимча, **педагог-тарбиячи маълум педагогик иш стажига, отаоналар, маҳалла ва кенг жамоатчилик орасида ҳурмат-эътиборга эга бўлган қобилиятли ҳамда туман халқ таълими бўлими томонидан маъқулланган шахс бўлмоғи лозим.**

Бундан ташқари педагог-тарбиячи Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни мукаммал билиши керак.

Маҳалла ёшларида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, улар онгида миллий мафкурани шакллантириш, миллатидан қатъий назар ҳар бир ёшда ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий мероси, миллий анъаналар, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ғояларини ёшларнинг онгига сингдира оладиган киши ҳақиқий педагог-тарбиячи бўла олади. Педагог-тарбиячининг тўлақонли фаолияти орқали ёшларнинг ҳаётда тўғри йўлни танлаб олишга йўналтириш, уларга диннинг туб моҳиятини маҳаллада ўтказиладиган турли учрашувлар, тадбирлар орқали етказиш, ёшларимиз орасида турли диний оқимларга оғиб кетиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш имкониятига эга бўламиз.

Маҳалла ёшлари ўз муаммолари билан мураббий ёнига ёрдам сўраб кела олсалар, у эса ўз навбатида муаммо ечимини керакли жойларда ҳал этиш чораларини кўра олса, натижада ёшларнинг дам олишлари, спорт тадбирларининг ўтказилиши, иш билан бандлик, оиладаги ўзаро муносабатлар маълум даражада ўз ечимини топади.

И.ЭРГАШЕВ.
Тошкент ҳарбий лицейи директори ўринбосари.

Бир мактуб таҳлили

МАҲАЛЛАНИ ОБОД ҚИЛИШ ОСОН(МИ)!?

Таҳририятга Наманган вилояти Поп тумани М.Тошматов қишлоқ фуқаролар йиғини таркибига кирувчи Темир йўл маҳалласи собиқ оқсоқоли Жумавали Парпиевдан мактуб келди.

Мактуб билан танишгач, қуйидаги воқеалардан воқиф бўлдик: Мактуб муаллифи 1997 йилдан буён Темир йўл маҳалласига оқсоқоллик қилиб келган.

Шу йилнинг апрель ойида туман ҳокимлиги томонидан Санг қишлоғидаги ободонлаштириш ишлари ўрганилади. Бу тадбирдан сўнг «Поп тонги» газетасида «Ахлатга ўрганган... гул экмайди» сарлавҳали танқидий мақола босилади. Унда М.Тошматов номли қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Темир йўл маҳалласи оқсоқоли Жумавали Парпиевнинг оқсоқоллик фаолиятига «Темир йўл маҳалласида аҳвол ўта хунук. Ҳар икки хонадон ўртасида ғўнг. Шох-шаббалар, темир-терсаклар...Сўзини одамларга ўтказолмаган маҳалла раисига «қойил»...» тарзида баҳо берилади. Мақола чоп этилгач, маҳалла оқсоқоли Ж.Парпиевга қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан ҳайфсан берилади. 6 июндан эътиборан оқсоқол ўз аризасига биноан вазифасидан озод этилади. «Поп тонги» газетасининг 11 июнь сонида Ж.Парпиевнинг «Мен нима учун ҳайфсан олдим?» номли раддия мақоласи босилади. Мақолада собиқ оқсоқол «Ахлатга ўрганган... гул экмайди» мақоласига мавзу бўлган вазиятни қуйидагича изоҳлайди:

«...Тўғри, айримларга гапим ўтмаслиги мумкин. Маҳалла раисининг гапи одамларга қачон ўтади? Менимча, қачонки маҳалла аҳли томонидан қўйилган муаммоли масалалар ўз вақтида ечим топса! Мен маҳалладаги ичимлик суви ва электр токи муаммоси бўйича тегишли ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилган эдим. Лекин муаммо ҳамон муаммолигича қолмоқда... Агар ДСЭНМ томонидан менга солинган жарима кўча юзини ифлос тутаётган хонадон эгаларига ҳам қўйилганда, маҳаллада ўзгариш бўлиши аниқ эди...»

Собиқ оқсоқол бизга ёзган ушбу хатида жумладан шундай дейди: «13 июль куни маҳаллада яна йиғилиш ўтказилиб, маҳаллага янги оқсоқол сайланди. Лекин аҳвол ҳамон ўша-ўша...» Хатда айнан ёзилмаган бўлса-да, унинг мазмунидан бир саволни уқдик: Бир оқсоқолнинг ишдан кетишига сабаб бўлган хато ва камчиликларни янги сайланган оқсоқол нега бартараф этмаяпти? Тан олиш керак, бу - ҳақли савол. Лекин биз зиҳ̆ор Темир йўл маҳалласининг айни дамдаги оқсоқоли фаолиятини ёмон деб баҳоламоқчи эмасмиз. Қолаверса, унинг фаолият бошлаганига ҳали кўп муддат бўлмаган. Англашимизча, собиқ оқсоқолнинг бизга мактуб йўллаб, мулоҳаза билдириши унинг гинахонлик қилиш истагидан эмас, нафақат оқсоқол вазифасида бўлиб, балки маҳалланинг оддий фуқароси бўлиб ҳам ўзи истиқомат қилаётган маҳаллани обод ва озода кўриш истаги туфайлидир. Ушбу мактубни ёритишдан кўзлаган мақсадимиз эса республикамизнинг Санг каби чекка қишлоқларида маҳалла тизими, оқсоқол фаолияти қандай кечаётгани, оқсоқолнинг фаолиятига оддий фуқаронинг, мутасадди ташкилотларнинг муносабати, қолаверса, оқсоқолнинг ўзи бу масъулиятга қандай ёндошаётгани хусусида Санг қишлоғидаги вазият мисолида мулоҳаза юритиш эди.

ТАҲРИРИЯТ

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛИГИ УЧУН

ҲАР КЎЧАНИНГ ЎЗ ПОСБОНИ БОР

Мирзо ғолибликлар ғолиб бўлмоқчи

Маълумки, йил бошида халқимизнинг миллий қадриятларини эъзозлаш, ёшларнинг Конституциямизни ўрганишида, уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда, аҳоли ва ёшлар орасида маданий ва маърифий билимларининг тарғиботини кучайтириш мақсадида юртимиз оқсоқоллари ўртасида «Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли» республика кўрик-танлови эълон қилинганди.

Республика миқёсида ўтказилаётган бу тадбир кексалик гаштини сураётган бўлишига қарамай ҳали ҳануз маҳалладаги жамоат ишларида фаол қатнашаётган отахонларни ҳам жиддий синовга чорлади. Кўрик-танлов ғолиблигига даъвогарлик қилган Собир Раҳимов туманидаги Мирзо Ғолиб маҳалласи оқсоқоли, ёши етмишни қоралаб қолган Диловар Мирбобоев «Мен қўшма қарорни ўқиб қолдиму, дарров келиб, фаолларга маслаҳат солдим. Яратганга шукр, маҳалламиз тинч, гузаримиз обод. Шоядки маҳалламиздан бирон бир бемаза чиқиб юзимизни шувут қилган эмас. Демак, биз ҳам шу кўрик-танловда қатнашсак бўларкан дедим», - дейди биз билан суҳбатда.

Маҳалла фаоллари Диловар бобони қўллаб-қувватлаб, маҳаллада кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширишди. Жумладан, маҳалла гузарида Конституцияни ўрганиш бурчаги, тарихни ўрганиш хонаси, маҳалладаги фаол, намунали оилаларининг кўргазмали суратлари осилган афишалар ва бошқа бир қатор кўргазмали лавҳалар ташкил этилган.

Ёшлар тарбиясига, уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга жиддий эътибор қаратилганига бизнинг саволимизга маҳалла болаларининг Конституция бандларини ёддан айтиб бериш билан бирга Қомусимиз бизни ҳимоя қилади, - дея фахрланиб жавоб беришганидан ишонч ҳосил қилдик.

Дарвоқе, Низом талабларида кўрик-танловда иштирок этадиган ҳар бир маҳалла оқсоқоли ўз маҳалласида тинчлик осойишталикни намунали ташкил этсагина ғолибликка даъвогар бўлади дейилган. Демак, кўрик-танловда нафақат маҳалла оқсоқоллари фаолияти, балки ички ишлар идораларининг халқимиз орасидаги энг ишончли вакиллари - профилактика инспекторлари фаолияти ҳам холис баҳоланади. Шу боис, Мирзо Ғолибликлар маҳалладаги милиция таянч пунктини нафақат талаб даражасида жиҳозлашга, балки профилактика инспекторлари фаолиятини яхшилашга ҳам жиддий эътибор қаратишди.

Маҳаллада «Маҳалла» посбони жамоат тузилмаси аъзоларининг иши яхши ташкил этилган. Улар маҳаллада тинчликни таъминлаш ишида профилактика инспекторларига яқиндан кўмак бериш учун 13 та кўчага 13 нафар посбон тайинлашди. Уларнинг саъй-ҳаракати натижасида маҳаллада биронта ҳуқуқбузарлик содир этилмаган.

Хуллас Мирзо Ғолиб маҳалласи оқсоқоли Диловар Мирбобоев, профилактика инспектори милиция катта лейтенанти Акмал Исмоилов ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори Шариф Камоловлар кўрик-танловда ғолиб бўлишга астойдил киришишган.

Шухрат РЎЗИЕВ,
Республика ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори, милиция майори.

ШУҲРАТИ КУН САЙИН ОРТАР МАҲАЛЛАМ

Истиқлолга эришганимизнинг ўн бир йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Бу йилларда юртимизда барча соҳалар ривожланди, равнақ топди. Маҳаллалар ҳаётида ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Эндиликда маҳалла чинакам демократия мактабига, том маънода фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Бу масканда жамиятимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида астойдил тер тўкаётган тадбиркор, тинчсеварлар ва фидойилар кун сайин кўпаймоқда. Қувончлиси шундаки, маҳаллаларда улкан бунёдкорлик ишларини уддалаш, кишиларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий муаммолар шу жойда яшовчиларнинг қўл кучи, ақл-идроки билан ижобий ечим топаётир. Айниқса, ёш авлодни меҳр-оқибатли, маърифатли қилиб тарбиялашда маҳалланинг ўрни беқиёс. «Маҳалланг ота-онанг» деган қадимий ҳикмат бугунги кунда ўзига хос мазмун-моҳиятга эга бўлиб қолди. Турли йўналишдаги тадбирлар ҳамда кўрик-танловлар эса маҳаллалар шуҳратининг кун сайин ортишида муҳим рол ўйнамоқда. Мана, олти йилдирки, республикамиз пойтахтида «Маҳалла куни»ни байрамона ўтказиш анъанага айланиб қолган.

2-САҲИФАДА

Шу сонинг

2-САҲИФАДА

* Маҳаллаларимиз тароватти Маҳалла кунида билиндди.
* Салтанат опанинг ...музейи бор экан.

3-САҲИФАДА

* Сардоба дегани...
* Болаларининг жанжали отани йиқитди.
* «Олтин тўй»нинг оқибати...

4-САҲИФАДА

* Муаллимнинг қишга қолган тўйи...
* Абу Саид Маҳзумнинг маҳзун тақдири.
* Башорат - башорат холос.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" қайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

2002 йил 7 август
№32 (310).

ТОШКЕНТ МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ ТАРОВАТИ ЎЗГАЧА ЭКАН!

ШУҲРАТИ КУН САЙИН ОРТАР МАҲАЛЛАМ

Яқинда пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги олдидан Маҳалла куни тадбири ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлими томонидан уюштирилган бу тадбирнинг иштирокчилари шаҳардаги кўплаб маҳаллалар ҳунармандлари тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмалари билан танишиб, тадбиркорлик намуналаридан огоҳ бўлдилар.

Ушбу тадбир давомида шаҳар маҳаллалари ўртасидаги кўрик-танловлар якуни эълон қилинди. Ғолиблар аниқланди. «Энг яхши маҳалла оқсоқоли» кўрик-танлови якунига кўра Акмал Икромов туманидаги Ойдин Собирова номли маҳалла оқсоқоли Жўрабек Соипов 1-ўринни, Мирзо Улуғбек туманидаги Ғулистон маҳалласи оқсоқоли Сайфулла Оқмирзаев 2-ўринни, Собир Раҳимов туманидаги Беруний номли маҳалла оқсоқоли Саидаҳмад Обидов 3-ўринни олишга муваффақ бўлдилар.

Шунингдек, «Энг яхши маҳалла посбони» кўрик-танловида Сергели туманидаги Ҳабибий маҳалласи посбони Собиржон Шаропов ғолиб деб топилди. «Энг яхши хотин-қизлар комиссияси раисаси» кўрик-танловида эса Мирзо Улуғбек туманидаги Улуғбек шаҳарчаси фуқаролар йиғини хотин-қизлар комиссияси раиси Маъсуда Ишмуродова 1-ўринга, Акмал Икромов туманидаги Журжоний маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси Сожида Шарипова 2-ўринга, Сергели туманидаги Оқибат маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси Манзура Акромхўжаева 3-ўринга муносиб деб топилдилар. Ғолибларга шаҳар ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совға-саломлар ва пул мукофоти топширилди.

Бундан ташқари, «Энг яхши кўча» кўрик-танлови якунига кўра, Сергели туманининг Қумариқ маҳалласидаги Акмал Икромов номли кўча энг обод кўча сифатида эътироф этилди. «Энг яхши маҳалла» кўрик-танлови натижаларига кўра эса Ҳамза туманидаги А.Назаров номли маҳалла (1-ўрин), Шайхонтоҳур туманидаги Илғор маҳалласи (2-ўрин), Мирзо Улуғбек туманидаги Навбаҳор маҳалласи (3-ўрин) ғолиблар қаторида тилга олинди. Кўрик-танловлар ғолиблари муносиб тақдирланишди. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзам ГАДОЙБОЕВ эса Тошкент шаҳридан «Маҳалла жонкуяри» кўкрак нишони совриндорлари бўлганларга шу ҳақдаги ҳужжат ва кўкрак нишонларини ҳамда пул мукофотини тантанали равишда топширди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан юз ёш билан юзлашиб турган кексаларимиз ҳамда маҳалла тизимида намунали хизматлари билан барчага ибрат бўлаётган фаоллар номи ҳам қайд этилиб, улар республика «Маҳалла» жамғармаси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг Фахрий Ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Аслида, «Маҳалла куни» фақат Тошкент шаҳридаги маҳаллалар ўртасида ўтказилаётган бўлса-да, у мазмунан кенг қамровли бўлгани туфайли катта умумхалқ тадбирига айланиб кетди. Бунда олимлар, масъул идоралар раҳбарлари, машҳур усталару тадбиркорлар, вилоятлардан таклиф этилган вакиллар қатнашишди.

- Инсон ҳаётида маҳалланинг ўрни ўзгача эканини тобора англаб етаяпмиз, - дейди «Маҳалла» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими раиси Ғуломжон Олимов. - Ўйлаб қаранг, ишсиз қолган одам маҳалла эътиборига тушса, у ҳунар эгаллайди, бирор ишнинг бошини тутади, ҳаёти изга тушиб кетади. Лаёқатли ва иқтидорли ёшларни ҳам аввало маҳалла элга танитади, ижодига имкон яратиб беради. Бугунги тадбирдаги кўргазмаларда маҳаллаларнинг ҳунарманд ёшлари ясаган турфа буюмларни кўриб ҳайратимиз ошди. Бизнинг вилоятимизда ҳам бундай ҳунармандлар анчагина. Азал-азалдан уста боғбонлар ва ҳунармандлар маскани бўлган Наманган эндиликда «Гуллар ва фавворалар шаҳри» деган ном олди. Ушбу йилга қадар анъанавий гуллар байрами вилоятимизда олтмиш маротаба ўтказиб келинган. Янги, замонавий ҳунарлар билан шуғулланаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Биз Тошкент шаҳрида тажриба ўрганиб яқин кунларда 12 та туман, 2 та шаҳар маҳаллалари иштирокида вилоят «Маҳалла куни»ни ўтказишга тараддуд кўраяпмиз.

«Маҳалла куни»да намойиш этилаётган кўргазмалар ёнидан ҳеч ким бепарво ўтиб кетолмайди. Дид билан ясалган ҳар бир буюм маҳалла ҳунармандларининг изланувчанлигидан далолат бериб турганидек... Шайхонтоҳур туманидаги Илғор маҳалласи аслида жуда кўп йиллик тарихга эга. Маҳалланинг узоқ ўтмишига оид қимматли маълумотлар сақланадиган маҳалла музейи ҳам мавжуд. Маҳалла ҳунармандларининг кўргазмада намойиш этаётган мебел жиҳозлари манаман деган фирмаларникидан қолишмайди.

Тадбирда қатнашган машҳур хонанда Фахриддин Умаров «Камалак» фольклор дастаси даврасида.

Маҳалла кунида қатнашган Тўхтахон Беккуловнинг ёшлари 103 да. Онахоннинг 56 та набираю 51 нафар чеваралари бор...

- Ёшларни турли ҳунарларга ўргатувчи ўқув марказимиз 132-мактаб биносида жойлашган, - дейди маҳалла сардори Анвар Тўлаганов. - Ўн олти нафар ажойиб усталаримиз бор, 5 та устахонада фаолият юритишади. Ўндан ошиқ корхоналарнинг ҳаммасида ёшлар хизмат қиладилар. Маҳалла кишиларининг эҳтиёжига яраша жамики маҳсулотлар ўзимизда тайёрланади.

Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳалла учун ажратилган жойда турли мусиқа асбоблари кўргазмаси ҳамманинг эътиборини тортади.

- Бизнинг миллий мусиқа асбобларимиз ранг-баранглиги, садосининг ғоят нозиклиги жиҳатдан бошқа халқларникидан юқори туради, - дейди шу маҳаллада яшовчи мусиқа асбоблари устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдунаби Абдуғаффоров. - Мусиқа билимдони Юнус Ражабий билан жуда кўп йиллар қўшни бўлиб яшаганмиз. Бу инсоннинг хонадонига келган машҳур созандалар мен ясаган мусиқа асбобларига харидор бўлишарди. Эллик йилга яқин Тошкент Давлат консерваториясида ишладим. Айни вақтда ҳам шахсий устахонам бор, дутор, доира, чанг, ғижжак каби кўплаб миллий мусиқа асбобларини ясайман. Қанийди, бу ҳунарни ўрганишга иштиёқманд ёшлар кўпайса...

- Агар биз усталарга махсус устахона очиб беришса, маҳалладаги ёшларни чорлаб, ўзимиз уларга устозлик қилардик, - дейди кўргазмада заргарлик буюмлари билан қатнашаётган Ўзбекистон халқ устаси Фосиҳиддин Дамуҳамедов. - Мен оила аъзоларим билан бирга ўзбек заргарлик санъатининг анъанавий услубини давом эттираяпмиз. Маҳсулотларимизга эса харидорлар кўп. Ёшларга бу ҳунарни ўргатиш тараддудида юрибман.

Чилонзор туманидаги 2-чарх Камолон маҳалласи оқсоқоли Зоҳид Отаметовнинг айтишича, бугунги маҳаллаларда ҳақиқий ташаббускорлар кўп. Яқинда бу маҳаллада чиннини қайта ишловчи ҳунармандлар иш бошлади. Оппоқ чинни идишлар корхоналардан арзонроқ нархда сотиб олинади, сўнг уларга нафис буёқлар ёрдамида сайқал берилади. Қарабсизки, бир неча соатлар ичидаёқ бу чинни идишларнинг баҳоси бир неча ҳиссага ошади.

А.Икромов туманидаги Боғистон маҳалласида яшовчи Салтанат Сиддиқованинг шахсий музейидан намуналар.

- Маҳсулотларимиз бозордаги чинни буюмлар нархидан анча арзон, - дейди маҳалла оқсоқоли. - Бу ҳунар тез орада оммалашиб, эндиликда жой торлик қилиб қолди. Ҳунарни ўрганаман деган ёшлар кўп. Абдулбосит Мирсоатов, Дилмурод Солиҳов, Ёқубжон Отаметовлар чиннига гул солиш устаси сифатида фаолият кўрсатишаётир. Қилинган даромаднинг маълум фойизи кам таъминланган хонадонлар эҳтиёжлари учун ажратилянти. Яқинда маҳалламизда тўй либослари ижарахонаси ҳам очдик.

«Гербафарм» фирмаси томонидан йиғиб қадоқланган доривор ўтлар аслида Чотқол ва Бўстонлиқ тоғларидан олиб келинаркан. Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳумоюн маҳалласи ҳудудида жойлашган бу фирмада 30 дан ошиқ мутахассислар ишлайди. Етти йилдирки, фирма тадбиркорлари маҳалладаги жамики тадбирларнинг ўтказилишида ҳомийлик қилишади.

- Маҳалламизда «Шодлик» клуби ҳам ишлаб турибди, - дейди маҳалла сардори Наимжон Усемиров. - Унда ёшларга рассомлик, ганч тайёрлаш, тикувчилик, радио асбобларини узатиш ва шу сингари ўнлаб касб-ҳунарлар ўргатилади. Мактаб биносида фаолият кўрсатувчи бу клубда ажойиб усталар маҳалладаги ёшларга устозлик қилишади.

Ҳар бир маҳалла ўз ҳунармандлари билан кўпроқ машҳур бўлади. Шу учун ҳам қадимда маҳаллалар номига шу ердаги ҳунар турлари қўшиб айтилган. Пичоқчилар маҳалласи, бешиксозлар маҳалласи...

Собир Раҳимов туманидаги Гузарбоши маҳалласида бешиксозлик қадимий ҳунар саналади. Бу ерда машҳур бешиксоз усталар яшаб ўтганлар. Эндиликда маҳаллада бешиксозлик қаторида ёғоч ўймакорлиги санъати ривожлантириляпти. Рўзғор асбоблари ясовчи цехлар мавжуд. Абдулла Набиев номли касб-ҳунар коллежида асосан шу маҳалла ёшлари ўқиб, ҳунар ўрганишаркан. Кўргазмага бу ёш ҳунармандлар ёғочдан ўйиб ишланган нозик қутичалар, пардоз буюмлари ва шу санъат турига оид кўплаб маҳсулотлар олиб келишганининг гувоҳи бўлдик.

Байрам совға-саломлари ҳар икки томондан бўлди. Тадбир қатнашчилари жамғарма раҳбарларини ҳам қутлашди

- Хонадонларда ишсиз ўтирган аёлларимиз эндиликда касаначилик билан шуғулланишяпти, - дейди маҳалла хотин-қизлар комиссиясининг раисаси Муқаддам Қаюмова. - Улар асосан кўрпа-кўрпачаларни қавишади, бешик учун асбоб-анжомлар тикишади. Мамлакат опа деган чеваримиз бор, бу аёл кўп йиллардан бери ўсмир қизларга тикиш-чатиш, кўрпа қавиш, каштачилик сирларини ўргатиб келадилар. Гавҳар Азимованинг ўзи бир пайтлар шогирд эди, эндиликда унинг «Элита» усулида тиккан дарпардалари келинчаклар уйини безатиб турибди. Бундан ташқари, шу қиз кийим тикиш санъатидан маҳалла қизларига сабоқ бераётир.

Зардўзлик устаси Фазилат Холова асли бухоролик. У бугунги кунда Гузарбоши маҳалласида яшаб, шу ерликларга ўз ҳунарини қунт билан ўргатмоқда.

- Айни вақтда зардўзлик буюмларига талаб ошиб бораяпти, - дейди у. - Халқимизнинг азал-азалдан кўзини қувонтириб келган ҳунар бу. Яқин вақт ичида маҳаллада зардўзлик цехини очиш ниятимиз бор. Бугунги кўргазмада қизларимиз тиккан зардўзлик буюмларини намойиш қилаяпмиз. Байрамга келганлар маҳалламизда бу санъат турининг қанчалик кенг ёйилганининг гувоҳи бўлишмоқда.

Қадимги буюмларни йиғиб ўзининг шахсий музейини очган санъаткор Салтанат Сиддиқовани кўпчилик танийди. Эллик беш йилдирки, бу аёл қишлоқма-қишлоқ кезиб, ҳатто турли шаҳарларга бориб ерлик аҳолидан қадимий рўзғор анжомларини сотиб олади, ўз музейини бойитади. «Келажак авлоднинг ўз юрти тарихини ўрганишида мен тўплаган қадимий буюмларнинг ҳам озгина ёрдами тегса деб орзу қиламан» дейди Салтанат опа. Унинг музейида соҳибқирон Амир Темур даврида ишлатилган чироқдан тортиб чорвадор халқларнинг сафар анжомларигача, ҳаммаси бор. Салтанат опа ўзи яшаётган Акмал Икромов туманидаги Боғистон маҳалласида кўпгина хайрли тадбирларни ҳам амалга оширади. Маҳалла аҳли бу саховатпеша аёлнинг 180 етим боланинг хатна тўйини ўтказиб бергани ҳақида ҳалигача гапириб юрадилар.

«Маҳалла куни» байрамига келтирилган ҳунармандчилик асбоблари кўргазмасини кўздан кечирарканмиз, бу анъанавий тадбирга ўта пухта тайёргарлик кўрилганининг шоҳиди бўлдик. Булардан ташқари, маҳаллаларда ташкил этилган фольклор дасталарининг чиқишлари ҳам байрам сайлининг кўнгилли ўтишини таъминлади. Шу кунги томошаларда кўпни кўрган маҳалла фаоллари, таниқли ёзувчи ва шоирларнинг дил сўзлари машҳур ҳофизларнинг куй-қўшиқларига уланиб кетди. Маҳалла ҳаётининг бир қисмини ифода этувчи бу байрам тадбири кўпчиликнинг хотирасида узоқ вақтгача сақланиб қолиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.

Суратлар муллифлари Козим ЎЛМАСОВ ва Шавкат ҚАҲҲОРОВ

Бешик тебратаётган аёл

Отахонлар бундай тадбирдан мамнун.

(Давоми.Аввали 2-бетда)

КЎНГИЛЛИ ТАДБИР

Яқинда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳом Жўраевнинг ташаббуси билан йиғинда жуда ибратли, кўнгилли тадбир амалга оширилди.

Йиғинда истиқомат қилувчи қирқ нафар кексалар Кумушкон дам олиш масканида ҳордиқ чиқариб келдилар. Ушбу хайрли тадбирни ташкиллаштириш харажатларини қоплашда шу маҳаллалик тадбиркор Ниғмат Нурматов саховат кўрсатди. Қариялар ушбу кўнгилочар тадбир учун йиғин раисидан ва саховатпеша тадбиркордан беҳад миннатдорлар.

- Ўзимизга қолса, набиралар, мол-хол ташвишидан ортиб шу сайрга боролмасдик. Бунинг устига бировнинг вақти бировникига тўғри келмайди. Шунинг учун айни кўнглимиздаги, зап яхши тадбир бўлди-да - дейишмоқда хонабодлик кексалар.

Мухбиримиз

ҚАРИЯЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚАДРЛАЯПМИЗ?

Душанба куни тонгга яқин бобонинг аҳволи ёмонлашди. Фарзандлари оёққа турди. «Тез ёрдам» чақиришди.

- Кечаси билан касалхонада тинмай алаҳлаб чиқдингиз. Сизни нима безовта қилаяпти, отахон? - деди шифокор беморга синчиклаб қараб.

- Ёшим тўқсонга етиб, биринчи маротаба касалхонага тушишим. Янги жойда ухлолмагандирман-да, болам...

Дўхтир беморнинг кўнглидаги дардини билолмади. Қария эса унга бор гапни айтмади...

Ҳақиқатан ҳам бобо шу ёшигача бирорта жиддий хасталик билан оғримаган. Фақат кейинги пайтда юраги тез-тез санчадиган бўлди. Кенжа ўғли бир-икки марта маҳалладаги дўхтирга олиб чиқди. У эса «Касалингиз қариликдан бўлса керак» деб қўяқолди. Аммо, хасталиги нимадан эканини бобонинг ўзи билади. Биладию, бировга миқ этмайди. Бунинг сабаби бор...

Уйли-жойли бўлиб кетган бешала фарзанд ҳар якшанба куни бола-чақалари билан ота уйига тўпланишади. Дастлаб жону жигарлар сўрашишиб-дийдорлашишади, сўнг ҳазил-ҳузил бошланади. Тўрда ўтирган ота ўғил-қизу, набиралари билан бағри тўлганидан мамнун. Бироқ, суҳбат оилавий муаммоларга келиб тақалгач, давра совийди. Кечаги якшанбада ҳам шундай бўлди. Катта ўғил қиз чиқараётгани боис анча-мунча қийналаётганини айтиб, «бирортанглар пулдан ёрдам бермаяпсизлар» деди.

- Бизнинг ташвишимиз ҳам сиззикидан кам эмас, - деди ўртанча ўғил бўш келмай. - Санжаримиз мактаб ёшига етди, ҳали қўлини ҳалоллаганимиз йўқ!

Ўртанча қиз гапга аралашди: - Биз бултур янги уй қурганимизда қай бирингилар «ҳорма» деб эдинглар? Бир йил уй ичимиз билан тупроқ ошадик. Куёв сизларга бегона бўлса, мен бор эдим-ку!

Кичик қиз опасига гина аралаш боқди:

- Ҳозир биров-бировдан хафа бўладиган пайтми? Мана, мен, болаларим бариси гўдак. Куёвингизнинг боши касалдан чиқмайди. Топганимиз дори-дармонга кетаяпти. Ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан жимгина ўтирибман-ку, ахир!?

Хуллас, эски аразу гиналар қўзғолди, суҳбат борабора тортишувга, сўнг ўзаро жанжалга айланди! Қаттиқ-қуруқ сўзлар айтилди.

Кекса ота даврада сукут сақлаб ўтирарди. У болаларига «Нега уйдаги бор ташвишларингни бу ерга кўтариб келасизлар? Нечун бирбирингизга озор берасиз?» демоқчи бўлдию, лекин индамади. Сабаби, илгариги якшанбада ҳам нимадандир тортишув чиқиб, ўғилларини инсофга чақирганида тўнғичи уни гап билан «узиб» олганди. «Катта-катта жойларда ишлагансизу, баъзиларга ўхшаб тўрт-беш сўмни бир каваккa тиқиб қўймаган экансиз-да, ота. Яна насиҳат қиласиз!» деди. Тавба, буларни дунёга келтириб, ўстириб, уйли-жойли қилиб, энди эшитган гапи шу бўлдими?! Ота ич-ичидан эзилди, бироқ жаҳлини босиб ўғлига деди:

- Қўлдан берганга қуш тўймас, дейдилар. Тўрт-беш сўмни пешонангга берсин, болам...

«Нега кейинги пайтда булар орасида жанжал кўпайиб кетди. Ё мен илгари сезмас эдимми?!» дея ўйларди ота. Ҳа, чиндан ҳам аввалларида сезмаган эди. Негаки, раҳматли аёли ўғил-қизларнинг бор дардини жимгина эшитар, сўнг ўзи



хайрлашишди. «Яхши дам олинг, отажон!» дея уйларига жўнаб кетишди. Бироқ, шу тунда отанинг уйқуси қочди. Болаларининг оилавий нотинчликлари энди отанинг юрагини безовта қила бошлади. Қандай қилиб уларга ёрдам берсайкин? Ахир кексайиб кучдан қолган бўлса... Ўзи мададга муҳтож-ку! Умуёниб, ўзи қуяр, бироқ чолига ҳеч нарса демасди. Уни аярди. Мана энди болалари-чи? Нега улар кекса оталарини аяшмайди? Нечун даврадаги ўзаро жанжаллар оталарига озор етказиши мумкинлигини тушуниб етишмайди?! Ё улар шунчалик бефаҳмми?

Жанжалдан сўнг фарзандлар бирин-кетин ўринларидан туришиб, ота билан

● 2002 йил ўйлари

ман, қай оилада муаммо йўқ? Рўзғордаги ҳар ташвишни фожеа деб қабул қилиш керакми, аслида? Йўқ. Мана, раҳматли аёли билан тинч-тотув яшашди. Тош келса кемириб, сув келса симириб дегандай... уйдаги сирни кўчага чиқаришмади, ҳар неки жумбоқ бўлса бирбирларига суяниб, ўзаро маслаҳат билан ҳал қилишди. Турмуш дегани шуда, ўзи. Чидасанг, сабр қилсанг, ютасан. Акс ҳолда туппа-тузук оила пардек тўзиб кетади! Хўш, болалари-чи? Пича ақл ишлатиб, озгина ҳаракат билан эпласа бўладиган арзимас арзу ҳолини бир-бирига айтиб, гинахонлик қилишмоқдами? Шу ташвишларни деб дўқ-пўписа, гинаю араз... Қани меҳр? Қани оқибат? Ҳеч бўлмаса, бирортаси «Бу гинахонликдан кимга фойда, кекса отамизнинг олдида дардимизни дастурхон қилмайлик, ахир эшитиб озор топади!» дейишмади-я.

Ота адоқсиз хаёлларга чўмган, юраги борган сари ғашланарди. Фарзандларининг бир-бирига меҳрсизлиги, «Отамизнинг аҳволидан хабар оламиз» деб келишиб, аксинча унинг дилига озор етказиб кетишаётганини тушунмасликлари уни қийнарди. Ҳар якшанба шу аҳвол. Ҳафта бўйи бинойидек юрган қария болалари уйига кириб келиб то чиқиб кетгунларича юрак ҳовучлаб ўтиради. «Ишқилиб урушиб қолишмасин-да, уйларига тинчгина кетишсин» деб ўйлаверади. Очиғи, уларнинг майда-чуйда ташвишларидан юраги қисилади. Шунда суронли йилларнинг воқеалари бирма-бир хаёлидан ўтади. Хуллас ўйлайвериб, тонгга яқин аҳволи оғирлашди. Энди бўлса, кекса ёшида касалхонада ётибди...

Бу сингари воқеа жуда кўпчилик хонадонларда учраб туриши табиий. Шахсий муаммоларни деб ака-ука, опа-сингилларнинг бир-биридан гинахонлиги, бир-бирига дағал муносабати шу хонадондаги кексаларнинг дилига озор етказиши ҳам табиий. Умуман, кўпчилигимиз «кекса ота-онамни қадрлаяпман, уларнинг аҳволидан ҳар ҳафта хабардор бўлиб, совға-салом билан кўнгилларини овлаяпман» дея хотиржам юрамиз. Аслида кексалар совға-саломимизга эмас, меҳр-муҳаббатимизга, ўзаро иттифоқлигимизга кўпроқ муҳтож экани хаёлдан кўтарилади. Улар бизнинг иссиқ сўзимиз ва ҳурмат-иззатимиздан қувват оладилар, шундан умрлари узаяди. Кекса ота-онамиз, бобо ва бувиларимиз олдида фақат яхши сўзимизни айтсак, ёмонини ичга ютсак кифоя, уларнинг осойиши шу. Энг муҳими, уйимиздаги кексалар дилига озор етказмоқликдан ўзимизни асрайлик. Шунда биз уларни ҳам асраган бўламиз. Ҳар биримиз қарияларни қадрлаб, уларнинг дуоларини олиш ниятида эканмиз, бу нарсани асло унутмаслигимиз зарур.

Гулчехра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Олам турфа

ТУЯНИНГ «МИННАТДОРЧИЛИГИ»

Мороккога келган сайёҳ Эзра Вульф эрталабки нонуштадан кейин айланиб юриб шаҳар чекасида туяни учратиб қолди.

Бундай баҳайбат ҳайвонни кўриб ҳайрон қолган сайёҳ уни ёнидаги ширинликлар билан меҳмон қилди. Қилган ишидан мамнун бўлган Вульф туяни бўйнига эркалаб астагина шапатилай бошлади. Унинг бу қилиғи туяга ёқмади шекилли Вульфнинг башарасига тупурди. Бундан дарғазаб бўлган сайёҳ нима қиларини билмай туянинг эгасига ёпиша кетди. Жанжалнинг устига етиб келган полиция ходими гап нимада эканлигини суриштириб билгач, меҳмонга соф инглиз тилида туя бундай эркалашларини хуш кўрмаслигини, шунинг учун у Вульфга ўзича «миннатдорчилик» билдирганини тушунтирди. Полициячининг бу сўзлари сайёҳни қониқтирди ва у туядан узоқлаша туриб қўли билан «хайр» ишорасини қилди.

ХОСИЯТСИЗ «ОЛТИН ТЎЙ»

Район судларининг бирига эллик йил бирга яшаган эр-хотинидан ажралиш ҳақида ариза тушди.

Олтин тўй зиёфатини нишонлаётган бу қарияларнинг орасидан тўсатдан қора мушук ўтди. Зиёфат ўйин кулгудан сармаст бўлган чол ёшлигида бўлажак хотинининг дугонаси билан бўлиб ўтган воқеани эслаб қолди. Шунда етмиш уч яшар чолининг ишқий саргузаштини ғазаб билан тинглаган олтмиш саккиз ёшли кампир ҳам қарздор бўлиб қолмайин деб талабалик даврида денгизчи йигит билан танишиб қолганлиги ҳақида сўз очган эди-ки, эри столдаги бир шиша ароқни кўтариб ўз хонасига кириб кетди. Фарзандлари ва невараларининг ялиниш ва ёлворишларига қарамай у хонасидан чиқмади. Уларни яраштириш учун қилган урунишлари фойда бермади. Қайсар чол ҳанузгача берган аризасини қайтариб олмади.

ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРМАГАНЛАР УЧУН

Орёл губернияси ҳарбий комиссарияти армияга чақирилиб тоши етмаган нимжон, ориқ йигитлар учун махсус соғломлаштириш лагери очди.

Бу ерда шунингдек овқатлантириладилар ва дам оладилар. Бўлажак аскарлар билан ҳар турли ҳарбий машқлар, спорт ўйинлари ўтказилади. Бир ойдан кейин эса чақирилганлар яна тиббий кўриклан ўтказиладилар. Врачларнинг хулосасига кўра, талабга жавоб берадиганлари солдатликка жўнатадилар. Талабга жавоб беролмаганлари эса яна олти ойга - навбатдаги чақирувгача лагерда қоладилар.

Навоий вилояти

БЎСТОН ҲАҚИҚИЙ БЎСТОНГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

- Бугунги кунда мавжуд 6 та маҳалланинг ҳаммасида спорт майдончалари ишлаб турибди, - дейди Қизилтепа туманидаги Бўстон фуқаролар йиғини раиси Ғофуржон Аҳтамов. - Бу эса республика футболининг 90 йиллигига ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги 11 йиллигига бағишланган «Футболимиз келажаги» турнирини ўтказишга, шунингдек фарзандларимизнинг баҳуввот, соғлом бўлиб вояга етишларига имкон яратиб беради.

Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ғ.Актамов фаоллар билан

Ҳа,бу жойда 5 та мактаб, 10 та савдо нуқтаси, «Аҳмад бобо»нинг қайта ишлаш цехи, «Умар», «Уста Мурод» хусусий корхоналари, шунингдек Бўлакработ маҳалламизда майда ҳунармандчилик, дурадгорлик, машиналарни тузатиш устахонаси ҳамда шишадан турли хил идишлар ясайдиган цехлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, маҳаллаларни гулзор ва дарахтзорларга айлантириш учун кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Боязид Бастомий жомеъ масжиди имоми Мулло Завқиддин билан ҳамкорликда тўйларни ихчамлаштириш, тежамли ўтказишга эришилаётир. Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган «Дийдор ғанимат», «Бир пиёла чой устида», «Қариси бор уйнинг париси бор» мавзуларидаги бир қанча тадбирлар ўтказилдики, улар кексаларимизни бир жойга йиғиб, уларнинг кўнглини овлаш, дуоларини олиш имконини бермоқда. Қариялардан 65 киши Бухоро шаҳридаги зиёратгоҳларга бориб қайтишди.

- Маҳалла фаоллари билан ўтказиладиган йиғилишларимизда қилинадиган ишларни режалаштириб оламиз, - дейди оқсоқол суҳбат давомида. - Бу борада ҳудуд профилактика нозири, меҳнат нозири, посбонлар, педагог-тарбиячилар, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари, шунингдек мактаблар жамоаси, хонадонлар биз билан ҳамкорликда ишлашади.

Сўпиён маҳалласида тадбир

Бир жон ва бир тан бўлиб ишлаётган маҳалла аҳлининг бугунги мақсади кишиларнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, тарбиявий ишларни йўлга қўйиш ҳамда Бўстонни ҳақиқий бўстонга айлантиришдан иборат.

Ҳабибулла ХОШИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз - MAHALLA ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Бувижон, қай биримиз сизга кўпроқ ўхшаймиз

ЭНДИ КЕЛИНГ ҚИШЛОҒИМИЗГА

Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманидаги Катта Равот ям-яшил дарахтзору экинзорлар билан ясанган. Бу ерда 2,5 мингдан зиёдроқ аҳоли яшайди.

Айни вақтда маҳалла оқсоқоли сифатида фаолият кўрсатаётган Жўрақул Саидмуродов фаоллар билан биргаликда барча ишларга сидқидилдан киришган. Масалан, 5-ўрта мактаб учун янги бино қуриш ишлари анча йилга чўзилиб келган эди. Жўрақул Саидмуродовнинг саъй-ҳаракати билан бутун қишлоқ янги бинони барпо этиш учун ёппасига ҳашарга чиқди. «Давлатобод» ширкат хўжалиги раҳбарияти қурувчиларга цемент, техника етказиб беришди. Ёғоч тахтаси мактаб боғидаги тол, тераклар ҳисобидан олинди. Машина ҳайдовчилари қум, тош, шағал, бошқа қурилиш материалларини ташишди. Қишлоқдаги 60 дан ошиқ устанинг ҳаммаси бино қурилишида қатнашди. Ҳамидулла, Нурилла Жалиловлар деворларни кўтаришди. Сафар Дониёров, Муҳсин Салимов, Абдуҳаким Салимов, Нўъмон Ёрбековлар раҳбар бўлган 5 та гузар аҳолиси ҳам ҳашарда фаол қатнашишди. 4,5 километрга «зангори олов» ўтказилди. Қишлоқ аҳли 2 миллион сўм миқдорида пул йиғишди. Уруш ва меҳнат фахрийси, саховатпеша фуқаро Салим бобо Тошпўлатов ўз ҳисобидан янги артезиан қудуғи қаздириб, қишлоқ хонадонларини, ҳатто томорқаларниям сув билан таъминлашга эришди. Қишлоқ маркази ободончилик майдонига айланди гўё. Кўпнинг ишида барака бор, деганларидек, мактабнинг 17 та шинам синфхоналари, кенг коридори, умуман 480 нафар ўқувчига мўлжалланган биноси тез муддатда қад кўтарди ва қишлоқ болаларига қучоғини очди. Бутун жамоа барча фидойиларни, жумладан, хўжалик, маҳалла раҳбарияти, бригадирлар Муҳсин Дониёров, Даврон Эшқувватов ва Абдуфаттоҳ Эшқувватов, Аҳмаджон Юнусов каби қурилиш мутасаддиларини олқишладилар.

Эндиликда қишлоқ аҳли ҳар томонлама хотиржам. Чунки улар учун маданий-маиший, савдо, алоқа, тиббий ва бошқа хизмат кўрсатишнинг деярли яп-янги тармоқлари бор. Қишлоқда қурилиш материаллари, ширапазлик, техника таъмири, тикув-бичув, миллий ҳунармандчилик бўйича қатор кичик, хусусий корхоналар, цехлар, устахоналар, новвойхона, ошхонаю гўшт дўконлари аҳоли ихтиёрида.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ,
журналист.

● Тарих — тирик

САРДОБАЛАР

Биз уларни сақлаб қолармиканмиз?

Сардоба сўзи «совуқ сув» деган маънони англатади. Тарих манбаларининг кафолат беришича, бундай иншоотлар милоддан аввалги 4 асрда қурилган. Демак, сардобаларнинг сувидан соҳибқирон Амир Темур, унинг невараси Мирзо Улуғбек, чўлларга сув чиқарган Абдуллахон каби улуғларимиз баҳраманд бўлганлари шубҳасиз.

Бу зоти шарифлар нафақат сардобаларнинг сувидан баҳраманд бўлишган, балки уларни асраб авайлашган, таъмирлаш учун амру фармонлар ҳам берганлар... Шунинг учун қарийб 2,5 минг йилдирки, бу ёдгорликлар ҳам қўҳна тарихнинг жонли гувоҳи бўлиб турибди. Уларни кўриб биз илгарилари кишилар сувни нақадар қадрлаганини, ҳовузларни тоза сақлаш учун унинг атрофини ғишт девор билан ўрашгани, тепасини туйнукли қилиб, атрофларига сув оқиб кирадиган тешиклар қўйишгани, ҳатто ҳовузга кириб чиқадиган эшиклар ўрнатишганининг гувоҳи бўламиз. Ўша кезларда одамлар учун алоҳида сув ичиладиган жойлар, чорва моллари учун алоҳида сув охурлари қурилган. Сардобаларни тоза сақлаш, сувларини янгилаб туриш учун махсус назоратчилар белгиланган. Ана шундай сардобаларнинг айримлари ҳозир ҳам Жиззах ва Сирдарё ҳудудларида мавжуд.

Бундан 30 йил илгари Жиззах шаҳрининг Ўрда ҳудудида ана шундай сардобалардан бири бузиб ташланганини, деворлари бульдозерлар билан текислангани, қолдиқлари ахлатхоналарга ташлангани, пишиқ ғиштлари ташиб кетилгани ҳақидаги сўзларни эшитганда юракларимиз ачишди.

- Сардобанинг тагида табиий булоқ бор экан, димланиб қолган сув отилиб чиқди, - дейди суҳбатдошимиз Жиззах вилояти маънавият ва маърифат маркази бошлиғи, профессор Ўрол Носиров.

Жиззах шаҳридан то Сирдарёга қадар бундай сардобалар, қориз қудуқлар еттита бўлган. Пахтакор туманидаги Акмал Икромов ҳудудида жойлашган сардоба эса жуда яхши сақланган. Маҳаллий аҳоли ҳашар йўли билан сардобани таъмирлади, ҳозирги кунда ҳам унинг муздай сувидан баҳраманд бўлаётганлар кўп.

Гуржиларда оддий тақа ҳам тарихга оид бўлса, бахмалга осиб қўйилар экан. Бизнинг сардобаларимизнинг ҳар битта ғишти ҳам тарих, тупроғи олтинку, ахир. Нафақат биз ҳикоя қилаётган сардобалар, қанчадан қанча тарихий тепаликлар, қўрғонларнинг қолдиқлари, обидаларнинг намуналари бор юртимизда. Улар ўз тадқиқотчиларини кутаяпти.

Мен республикамизнинг жуда кўп тарихий музейларида бўлганман. У ерда сақланаётган тарихий буюмларни кўриб қониқиш ҳосил қилганман. Очиқ ҳолда, табиат қўйнида мавжуд бўлган обидаларимиз-чи? Уларни сақлашга, асраб-авайлашга, гард юқтирмасдан келгуси авлодларга етказиб беришга ҳар биримиз масъул бўлишимиз керак!

Пардабой ТОЖИБОЕВ,.

ДЎКОНДОРНИНГ ЎҒЛИ МАҲАЛЛАГА ҚАЙИШДИ

Аҳмад Юсупов сайҳондик дўкондорнинг ўғли эди. Отаси сингари савдо-сотиқ ишини пухта эгаллади. Ҳалоллиги билан одамлар ишончини қозонди. Ҳамон халқ ишига камарбаста, одамларнинг оғирини енгил, мушкулини осон, узоғини яқин қилиб келяпти. У турли лавозимларда меҳнат қилди. Савдо корхонасида омбор мудири бўлди. Таъминотчилик қилди, молшунослик вазифасини бажарди. Лекин қоқилмади. Кишилар ҳақига хиёнат қилмади. Ишлаб топдиликда маҳалланинг эъзозли қарияларидан.



Аҳмад аканинг қўли очиқ. Ишлаб топганини кўпчилик билан баҳам кўради. Кам таъминланган оилаларга, касалманд ва ногиронларга, беваларга, бева-бечора, етим-есирларга мурувват қўлини чўзади. Ўтган йили Дўстлик, Нефтчилар, Сайҳон, Улуғбек номли маҳалла фуқаролари йиғинларида ўтказилган хайрия тадбирларига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Маҳаллада ободончилик, кўчат ўтказиш, кўкламзорлаштириш ишларининг ташаббускорларидан бири бўлди.

- Умридан барака топсин, Аҳмаджон, - дейди волидаи муҳтарамаси Амирхол момо дуога қўл очиб. - Ўзидан кўпайди. Орзу-умидларим ушалди. Келиним Бибихол билан иноқ ҳаёт кечиришяпти. Беш ўғил, беш қизнинг ота-онаси бўлишди. Набираларим ҳам меҳнаткаш. Бири-биридан ширин. Ўтгиздан ортиқ эбера кўрдим. Оллоҳга шукр.

Яқинда Аҳмад Юсупов олтмиш ёшга тўлди. Қумқўрғондаги таъминот жамоа хусусий савдо корхонаси аҳли бу инсонни таваллуд куни билан астойдил қутлашди. «Доимо эл-юртнинг олқишини олиб юринг» дейишди.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Эълон
«HEYRA» русумли янги, чет элда ишлаб чиқарилган ногиронлик аравачаси сотилади.
Тел: 40-53-24

Яқин ўтмиш алломалари

АБУ САИД МАҲЗУМ КИМ ЭДИ?

Абу Саид Маҳзум XIX асрнинг 60 йилларида Самарқанднинг Заргар ва хаттотлар даҳасида ўз даврининг ўқимишли кишиларидан бири Шайбонийхон мадрасасининг бош мударриси Мулло Абдуқаюм бинни Мулло Абдурашид хонадонида туғилиб тарбия олган.

Унинг отаси ўқимишли киши бўлиб, тарих, жуғрофия, астраномия, математика, қонуншунослик ва бошқа фанлардан хабардор бўлган олим ва айни бир вақтда моҳир хаттот ва таржимон эди. Нодир қўлёзма китоблардан иборат бой кутубхонаси ҳам бўлган.

Бўлажак ўлкашунос олим Абу Саид Маҳзум ана шундай хонадонда ўсиб тарбия олган У кўп вақтини отасининг кутубхонасида ўтказар эди. Ёш Абу Саид таълим-тарбия, ўқиш ва ёзишни ҳамда ҳунарни яъни хаттотлик санъати сирларини дастлаб отасидан ўрганди, кейинчалик мадраса таълимини олиб, ўз билимини оширди. Яхши таълим олган Абу Саид хаттотликни пухта ўрганиб, тезда кишилар назарига тушди. Ҳали ўспиринлик чоғидаёқ Абу Саид Маҳзум Алишер Навоий, Бедил, Жомий асарларидан ва бошқа Шарқ қўлёзмаларидан аниқ ва чиройли қилиб нусхалар кўчириш даражасига етди. У XIX аср тарихчиси, шоир ва табиб Абу Тоҳир Хўжа Самарқандийнинг 1844-48 йилларда ёзилган машҳур «Самарийа» асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилди ва бу таржима қилинган асар 1884 йилда рус шарқшуноси Н.П.Остроумов томонидан Тошкентда чоп этилди.

Кейинчалик Аду Саид Маҳзум XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган фарғоналик машҳур сайёҳ, олим ва адиб Ҳожи Муҳаммад Ҳакимхоннинг 1843 йилда ёзилган Ўрта Осиё ва айниқса Фарғона тарихини ўзида мужассамлаштирган «Мунтахаб ат-Таворих» асаридан 1899 йилда чиройли қилиб нусха кўчирди. Шунингдек, шарқшунос С.А.Лапинга 1895 йили босилиб чиққан «Самарқанд шаҳридаги тарихий ёдгорликлардаги ёзувларнинг таржимаси» номли асарини, 1896 йилда эълон қилинган «Шоҳи Зинда ва ундаги қабртош ёдгорлиги» илмий мақоласини тайёрлашда ҳамда 1910 йилда нашр этилган «Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари» деган китобини тайёрлашда қадимшунос Г.А.Панкратьевга яқиндан ёрдам кўрсатди. Абу Саид Маҳзум ушбу китоб ва мақолаларни ёзишда арабий ва форсий ёзувларни кўчириб, уларни таржима қилишда Лапинга ва Панкратьевларга кўмаклашди.

> Академик В.В.Бартольд «Абу Саид Маҳзумнинг ёрдами Улуғбек расадхонаси жойлашган ерни аниқлаб олишда ҳам, қазишма ишларини олиб боришда ҳам жуда қимматли бўлди», - деб ёзган эди.

Абу Саид ўзи туғилиб ўсган ернинг ўтмиш тарихини яхши билганлиги учун ҳам расадхона жойлашган жойни қидириб топишга аҳд қилди ва ўша даврда тарихга оид қўлёзма ҳужжатларни бирма-бир ўрганишга киришди. Абу Саид Маҳзум битта ҳужжатни (бу ноёб ҳужжат ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг фондида сақланмоқда) ўқиб ҳайратга тушади, чунки унда кўп вақтлардан бери изланаётган маълумот мавжуд эди. Унда Улуғбек расадхонасининг аниқ жойи кўрсатилган эди. Вақифномада «Оби раҳмат ариғи, қишлоқ аҳолиси хонадонларига қарашли бедазор, мачит ҳудуди, катта дарё сари йўл» каби сўзлар битилган эди. Вақифномани ўқигач, расадхона таги Расад тепалигида эканлигига Абу Саид Маҳзумда ҳеч шубҳа қолмади. У тезда В.Л.Вяткин ва Эгамҳўжа Муродхўжаев ишлаётган Афросиёб тепалигига бориб, қўлидаги қимматли топилмани кўрсатганда улар ҳанг-манг бўлиб қолади.



Шундай қилиб, Улуғбек Расадхонаси харобаларини қадимий қўлёзма ҳужжатлари асосида қидириб топишда Вяткинга Абу Саид Маҳзум жуда катта ёрдам берди. Академик В.В.Бартольд бу ҳақда: «Абу Саид Маҳзумнинг ёрдами Улуғбек расадхонаси жойлашган ерни аниқлаб олишда ҳам, қазишма ишларини олиб боришда ҳам жуда қимматли бўлди», - деб ёзган эди.

Қадимшунос В.Л.Вяткин эса: «Абу Саид Маҳзум менинг донишманд маслаҳатгўйим бўлиб қолди, у менга ҳамиша холисона ёрдам бериб келяпти», - деб ўз вақтида эътироф қилган. Профессор Б.В.Лунин ҳам: «Улуғбек расадхонаси харобаларини қидиришда В.Л.Вяткинга унинг доимий ва фаол ёрдамчиси, ажойиб хаттот ва маҳаллий ернинг ўтмишини яхши биладиган Самарқандлик Абу Саид Маҳзум жуда катта ёрдам берди,»- деб ёзади.

Афсуски, ўша мустамлака даврдаги ижтимоий тузум ҳар соҳадагидек Абу Саид Маҳзум сингари маҳаллий ўлкашунос олимларнинг машаққатли меҳнатини қадрламади. Лекин Абу Саид Маҳзум севимли ҳунаридан воз кечмади, хаттотлик санъатини давом эттирди. Тарихий ёдгорликлардан илм-фан учун зарур бўлган ёзувларни кўчириб, манбалар тўплаб, уни келажак авлодга қолдириш учун хаттотлик санъати анъаналарини давом эттирувчи шогирдлар етиштирди.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.

МУШТАРИЙ ИЛҲОМИ

ЧИДОЛМАСМАН

Қулунин излаган жийрон
саф қилса, - чидолмасман.
Саҳрода ошиқи мажнун
наво қилса, - чидолмасман.

Жаҳон бозорида баравж
молу мулк савдоси;
Қўшиб молига имонин
баҳо қилса, - чидолмасман.

Машаққатсиз эмасдир
йўллари турмуш гузоргоҳин.
Билиб-билмай ким ўз бахтин
қаро қилса, - чидолмасман.

Қидирган онла бахтин
аҳиллик қасридан топгай,
Қариндошин қариндош
мосуво қилса, - чидолмасман.

Умидим - яхшиларга
доимо омад қулиб боқса;
Агар мардларга номардла
жафо қилса,- чидолмасман.

Тўкиб пешонадан дурлар,
яшаш қандай сафолидир!
Киши ўзга ҳисобидан
сафо қилса, - чидолмасман.

Ўз ақлу меҳнати бирлан яшаб,
ҳам яшнаган халқимиз.
Биров мақтаб ўзин, кибру
ҳаво қилса, - чидолмасман.

Менинг бахту қувончим - халқ
Ватан туфроғи - фахримдир.
Бирон дўст хулқу одобда
хато қилса, - чидолмасман.

АБДУЛ-ҚОДИР

Хотира
МУҲАММАД ЮСУФ ЁДИ

Ой, юлдузлар осмондан
Маюс-маюс боқади.
Айрилиқ ўти ҳамон
Юракларни ёқади.

Ўзинг эдинг эл эркин,
Истиқлолин суйгувчи.
Ўзбекнинг шони учун
Зўр ашъорлар ёзгувчи.

«Таниш тераклар» ичра
«Эрка кийик» юради -
Балки, ўзингни эслаб
Хаёл суриб туради.

Қалбимизда яшайсан
Уйғоқ хотиранг абад.
Қабринг нурларга тўлсин
Халқ шоири Муҳаммад.

Сойибжон СОБИРОВ.
Андижон вилояти Марҳамат тумани Гаргар маҳалласи.

«Муборак савдо» хусусий корхонаси ТУГАТИЛАДИ. Даъволар учун муддат бир ой. Тел: 673412

МАРАЙИМ МА-АЛИМ тўй қилса...

- Ҳай, ҳай, ҳай, ма-алимжон, укагинам-ей. Тўй кунини белгилаш менга боғлиқ бўлганда гапни қўзғамай, «ҳой, ука, отни эгарланг, ана фалон кун навбат сизники» дердим-ку. Афсуски, ҳозир ҳар қандай тантана, орзу-ҳавасни ўтказиш, нишонлаш кунини белгилаш, биласизми, бизда эмас, ўша артислар ихтиёрида

Марайим муаллим ўғлининг никоҳ тўйини ёзги таътилда ўтказишга қарор қилди. «Маслаҳатли тўй тарқамас» деганлар. У маҳалланинг казо-казоларини кенгашга чорлади. Дастурхон безади. Товоқлардаги хуштаъм палов гумбази бирбир емирилгач, маҳаллабоши мулла Ҳалим гап бошлади:

- Ҳимм, айтингчи, ма-алимжон, авваламбор ашулапазлар билан учрашиб, тўй кунини келишиб олганмисиз? Улар тўйингизни қачон, қайси кунда ўтказасиз дейишган-а?

- Ий-е, - дея ҳайрон бўлди Марайим. - Ахир, ўзингиз маҳалламиз раиси-ю мен артислардан рухсат оламанми! Тўй кунининг уларга нима дахли бор? Менга қолса, тўйимизни келаси ҳафтанинг дам олиш кунлари ўтказиб олсак, девдим. Ёзги таътил муддатиям ўтиб бораяпти...

> Ҳажвия эмас, ҳажвияга ўхшаш холос.

- Ҳай, ҳай, ҳай, ма-алимжон укагинам-ей. Тўй кунини белгилаш менга боғлиқ бўлганда гапни қўзғамай, «ҳой, ука, отни эгарланг, ана фалон кун навбат сизники» дердим-ку. Афсуски, ҳозир ҳар қандай тантана, орзу-ҳавасни ўтказиш, нишонлаш кунини белгилаш, биласизми, бизда эмас, ўша артислар ихтиёрида. Ҳали ҳам кеч эмас, эртага каллаи азонда Чорсудаги «Дакадум» чойхонасига борингу, ишни пишириб келинг. Сизга пухта маслаҳат шу.

Марайим азонда туриб «Дакадум» чойхонасига югурди. Гавдаси йўғон чойхоначига мақсадини билдирди.

- И-би! Ҳафта ўн кундан кейин-а? - нохос калласига зарб тушгандай елкасини учириб ажабланди чойхоначи ва Марайимнинг кўзига бойқушдай тикилиб, вайсай кетди...

- Отпискани маданиятли қилиб таътил деганингиздан билдимки, ма-алимга ўхшайсиз. Ҳа, балли. Қанақа ўқиган, тушунган одамсиз ўзи! Ҳиқ, бу киши биз билан келишмай, закот тўламай тўй қилармишлару яна тўйларига артисларни зўрини айтмоқчилар. Ғайратингиз шунақа палоғда бўлса кузга борибам навбат тегмайди сизга! Мана, блакнотни қаранг, бўш вараги қолмаган, пачти ҳамма артисларнинг бариси икки-уч ойгача зайнит. Ҳозир, биласизми, одамлар тўй тугул отасининг йил ошию бибисешанбагаям артис айтадиган бўлган. Энди биздан ҳафа бўлмайсиз-у, ма-алим, никоҳ кечаси қуда холангизу янгамни ясан-тусантириб ўйинга туширасиз-у, «Тўйлар муборак»ни ўзингиз қуда бува билан варанглатасиз, ҳи-ҳи-ҳи. Ўв, қистирқистир ҳам ёнингизга, фойдага қолади... Кўнмасангиз, майли бирор жойга ёзиб қўяй.Тўйингиз ёзги таътилдан қолса, насиб қилса, қишки таътилда бўлар. Исмингиз, адрисингиз...

Марайим ичмаган бўлсаям чойхонадан боши айланиб, гандираклаб-гандираклаб чиқиб уйига бир аҳволда кириб бораркан, дўпписини буклаб лунжига тутди-да «Тўйлар муборак»ни бошлаворди.

- Вой, ўзингизга муборак, дадаси, - деди дераза ойналарини артаётган хотини илжайиб. - Ишқилиб, тўйга артисларнинг зўрини айтиб, тўй кунини аниқлаб келганга ўхшайсиз-а.

- Худо ҳохласа, қишки таътилда тўй, хотинжон, тўй! Артисларнинг зўри ўзимиздан! Биз қуда бува билан «Тўйлар муборак»ни жўр бўлиб айтамиз, санлар қуда холаю келин билан ясаниб-тусаниб ўйинга тушасизлар! Қистир-қистир ёнимизга, фойдага қолади, фойдага!

Эрининг пойма-пой гапларидан анграйиб қолган хотини «вой шўрим» дедию қўлидаги кир латтани сув тўла челакка тушириб юборди. Марайим эса тебрана-тебрана ҳамон ашулага авж берарди.Тўғриғоғи, машқ қиларди.

- Тўй-ла-ар мубо-о-рак!»...

А. МУҲАММАД.

Ёзгисидан бор...



Тузувчи Д.АЪЗАМОВА

«Кўр» кўзнинг очилиши

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Атрофдагилардан қаттиқ яшириб юрган сирингиз ўзингизнинг эҳтиётсизлигингиз туфайли фош бўлиши мумкин. Айниқса, гавжум даврада ўтирганда ўзингизни вазмин тутинг.

СИГИР(22.04 20.05)
Яқинларингиз, оила аъзоларингизнинг ҳаммаси ўзи билан оввора бўлиб қолишган. Сизга камэътибор бўлганларидан асло ўкинманг, билсангиз, дам олиш учун бу яхши имкондир.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Шу кунларда сизга нотўғри маълумот бериб, атайин чалғитмоқчи бўлишади. Эҳтиёт бўлинг, бунинг оқибати молиявий ишларингизда салбий натижа бериши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Вазият тақазоси билан кейинги пайтда сизни турли гумонлар қуршаб олган. Уларнинг ҳаммасини бир четга суриб, амалий ишларни бажаришга киришганингиз маъқул.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Келаси чоршанбагача кунларингиз фақат кўнгилли ўтиши кутилмоқда. Дидингизга мос кишилар даврасида кўнгилли лаҳзаларни ўтказасиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Шу кунларда дўстларингиз, яқинларингиз даврасида кўпроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Оилада фарзандларингизга эътиборли бўлинг.

ТАРОЗУ (23.09-22.10)
Шу кунларда оилангизда каттакон можаро бўлиши мумкин. Фақат сизнинг совққонлигингиз ва босиқлигингиз туфайли бу жанжал ёз ёмғиридек тез ўтиб кетиши мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Сизга қулиб боқувчиларнинг ҳаммаси ҳам дўст бўлавермаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Шундай бўлгани учун жуда қайғуриб ўтириш шарт эмас.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Ҳаётда ҳамма нарсада меъёр керак, деб сизга ўргатишган эди, албатта. Шу ибратли гап бироз ёдингиздан кўтарилган бўлса, эслаб унга амал қилишнинг айни вақти.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Шу кунларда кайфиятингиз тушкун. Бу вазиятдан чиқиш эса фақат ўзингизнинг саъй-ҳаракатингизга боғлиқ. Дам олинг, кичик байрам уюштиринг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ҳали меҳнат таътилига чиқмаган бўлсангиз, шу кунларда дам олишнинг айни пайти. Таътилни табиат қўйнида ўтказсангиз янада соз бўлади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Бир иш юзасидан турли режаларни сизга таклиф этишади. Сизга маслаҳат: ҳеч кимга қулоқ солманг, ўзингиз режалаштирган тартибда ишланг.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Сахифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
Буюртма Г-626

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Топширилди—20[30]